

## **Бир маротабалик резина қўлқопига (стерилланмаган) қўйиладиган талаблар:**

- Бир маротабалик резина қўлқопи (стерилланмаган) - **O'Z DSt 3021:2015** талабларига мос келиши ва қўлларни ҳар хил зарарли нарсалардан ҳимоя қилиши лозим.
- Ишлаб чиқарувчи корхона **ISO 9001** талабларига жавоб бериши лозим.
- Бир маротабалик резина қўлқопи (стерилланмаган) 100% латексдан тайёрланган бўлиши керак.
- Бир маротабалик резина қўлқопи (стерилланмаган) кислоталарга 80%, ишқорларга 40%, спирт ва тузлар таъсирига чидамли бўлиши лозим.
- Бир маротабалик резина қўлқопининг (стерилланмаган) манжети узунлиги 20 смдан ҳамда қалинлиги 0,5 ммдан кам бўлмасилиги лозим.
- Бир маротабалик резина қўлқопининг ички қисми терини қичишиш ва ачишишини олдини олувчи воситалар билан ҳимоя қилинган бўлиши лозим.
- Бир маротабалик резина қўлқопининг (стерилланмаган) ўрам ва қутилариининг маркировкаси O'Z DSt 3021:2015 талабларига мос келиши ва қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:
  - ишлаб чиқарувчи корхонанинг юридик манзили, телефон рақами ва товар белгиси;
  - маҳсулотнинг номи;
  - бир маротабалик резина қўлқопининг (стерилланмаган) ўлчамлари;
  - партия рақами;
  - бир маротабалик резина қўлқопи (стерилланмаган) сони, ишлаб чиқарилган санаси (ой, йил) ва кафолатланган сақлаш муддати (36 ойдан кам бўлмаган ҳолда);
  - узоқ муддат сақлаш шартлари.
- Бир маротабалик резина қўлқоплар (стерилланмаган) 1 та ўрамда 50 донадан кўп қадоқланмаслиги лозим.
- Етказиб бериладиган маҳсулот ўрнатилган тартибда тегишли идорларда Норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги мажбурий экспертизадан ўтказилади. Етказиб бериладиган маҳсулот янги ишлаб чиқарилган бўлиши ва етказиб берилган санада, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган муддати 3 ойдан ошмаган бўлиши шарт.